

Элчилар йили



17:00 / 02.08.2022 2323

Ҳижрий тўққизинчи йил «элчилар йили» номини олган, чунки асосан шу йили турли қабилаларнинг элчилари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўз қабилалари номидан Исломни қабул қилганларини эълон қилиб, байъат қилишган.

Бу вақтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофдаги подшоҳ ва амирларга ўз мактубларини юборган, Макка фатҳини тамомлаган ва Табукдан қайтиб келган эдилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккани фатҳ қилиб берганидан сўнг, энг ашаддий душман – Қурайш қабиласи Исломга киргач, Ислом қаршисидаги асосий тўсиқ олиб ташланди. Энди ҳамма гуруҳ-гуруҳ бўлиб Исломга кира бошлади.

Табук ғазоти ҳам Исломнинг кучи нақадар ўсганини яна бир бор ҳаммага яққол кўрсатди. Бу омил ҳам иккиланиб турганларнинг Исломга киришлари учун катта туртки бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг подшоҳларга ва амирларга юборган мактублари ҳам ўзига яраша таъсир ўтказган эди.

Шундай қилиб, Аллоҳ таолонинг инояти ила ҳижрий тўққизинчи йили Мадинаи мунаввара томон турли элчилар оқиб кела бошлади...

«Ислом тарихи» биринчи китоби асосида тайёрланди